

## Фиқх дарслари (71-дарс). Фиқх илмининг аҳамияти



15:32 / 06.02.2020 5195

*(биринчи мақола)*

Бу илмининг аҳамиятини билиш учун маълум бир муддатга уни бутунлай унутайлик ва фақиҳлардан содир бўлган ҳар бир маълумотдан фойдаланмасликка аҳд қилайлик.

Фиқх илмининг аҳамиятини яхшироқ англаб етиш учун фақат биргина мисол келтириш билан кифояланишни келишиб олайлик. Келинг, ўша масала таҳоратда юзни ювиш бўлсин.

Табиийки, аввало Қуръони Каримни қўлга оламиз. Аммо муқаддас Китобимизда «Таҳорат» номли сурани топа олмаймиз. Зотан, Аллоҳнинг Китоби бу каби масалалардан олийдир.



тахоратимга ўхшатиб таҳорат қилса ва туриб бориб, икки ракъат намоз ўқиса-ю, унда бирор нарсани кўнглидан ўтказмаса, ўтган гуноҳлари мағфират қилинади», деб қўшиб қўйди».

Бешовлари ривоят қилишган.

Бу ҳадиси шарифдан таҳорат қилишни мукамал ўрганиш билан бирга, аъзоларни, жумладан, ўзимиз баҳс қилаётган юзни ҳам уч марта ювиш кераклигини ўрганиб олдик. Бу, албатта, араб тилини яхши билган кишиларга муяссар бўладиган иш.

Энди худди шу масаланинг ўзини фикҳ илми устозлари юқоридаги оят ва ҳадисдан қандай тушунганлари билан танишиб чиқайлик.

Бунинг учун элимизда маълум ва машҳур бўлган фикҳ китоби – «Мухтасари Виқоя»нинг матни ва шарҳидан фойдаланамиз.

«Бас, таҳоратнинг фарзи – юзни сочдан қулоқча ва жағнинг тагигача, икки қўл ва икки оёқни чиғаноқлари ҳамда тўпиқлари билан ювиш. Бошининг тўртдан бирига ва соқолидан юзини тўсиб турганига масҳ тортишдир».

Демак, юзни ювиш таҳоратнинг фарзларидан бири экан. Бу амалнинг фарз эканини фақиҳлар узоқ ва машаққатли таҳлиллардан кейин аниқлашган. Сиз билан биз бу ҳақда ўйлаб ҳам кўрмаган эдик. Чунки Қуръони Каримда ҳам, ҳадиси шарифда ҳам «таҳоратда юзни ювиш фарз», деган гап йўқ. Зотан, бу нарса уларнинг вазифаси ҳам эмас. Юзни ювиш ҳақидаги гап Қуръони Каримда буйруқ майлидаги феъл ила ифода этилган, Аллоҳнинг буйруғи фарз бўлади, дейдиган бўлсак, бошқа оятларда буйруқ майлида келган феъллар фарзни ифода қилмаганини кўрамиз.

Мисол учун, Жума сурасидаги

«Бас, намоз тугаганидан сўнг ер юзи бўйлаб тарқалинг», деган оятни олиб кўрайлик. Ушбу ояти каримадаги илоҳий фармонга биноан, намоз тугаганидан кейин ҳамма тарқалиб кетиши лозим. Аммо амалда бу ҳолни кўрмаймиз. Тарқалган тарқалади, қолганлар ибодат, дуо каби ишлар билан машғул бўлиб ўтирсалар, ҳечқиси йўқ.

Аллоҳ таолонинг охирги китоби Қуръонда буйруқ майлида келган икки феълнинг бири фарзни, иккинчиси мубоҳни англатишини сиз билан биз қаердан била оламиз? Аммо фақиҳлар ўз қоидаларини ишга солиб, бунга

оид барча нарсаларни чуқур таҳлил қилиб, ҳаммасини ўз жойига қўйганлар.

Икки оятни ва унда зикр қилинган талабни атрофлича чуқур ўрганиб чиқиб, таҳоратда юзни ювиш фарз эканини, жума намозини ўқиб бўлгандан кейин тарқалиш фарз эмаслигини аниқлаганлар.

Ўрганаётган оят ва ҳадисимиздан таҳоратда юзни ювиш амали борлигини билган эдик. Аммо фақиҳлар ўша нарсани:

**«Юзни сочдан қулоққача ва жағнинг тагигача ювмоқ»**, демоқдалар. Улар «юз» араб тилида нимани ифода қилишини арабларнинг асл луғатларидан ўрганишган ва улардан қуйидаги баёнотни топишган:

«Юзнинг узунасига бўлган чегараси пешонанинг соч ўсган жойидан жағнинг остигачадир. Юзнинг кўндалангига чегараси бир қулоқнинг юмшоқ жойидан иккинчи қулоқнинг юмшоқ жойигачадир».

Бу билан ҳам кифояланиб қолмасдан, фақиҳлар юзга оид майда аъзоларни ҳам аниқлаб, айтиб ўтишган ва таҳоратда уларни ювиш ҳам фарзлигини баён қилишган:

«Икки лабнинг ва буруннинг уст қисмлари ҳам юздан ҳисобланади. Қош, киприк, мўйлаб, юздаги қиллар, пастки лабнинг ўртасига чиқадиган туклар (мўйлар) ва соқолнинг юздаги қисмини ювмоқ ҳам фарздир».

Оят ва ҳадисдаги «юз» сўзини қойилмақом қилиб англантиб бўлган фақиҳ энди «ювиш»ни таҳлил ва тадқиқ қилишга ўтади. Бу сўзнинг ҳам таҳоратга оид маъносини:

«Бу ердаги ювишдан мурод, аъзодан камида икки қатра томадиган даражада сувни ўтказиш ёки қуйишдир», деб баён қилади.

Кейин неча марта ювишнинг ҳукмини айтади:

«Аъзоларни бир марта ювмоқ фарздир, уч марта ювмоқ суннатдир».

Бир марта ювиш Қуръоннинг амрига биноан фарз, уч марта ювиш Расулulloҳ алайҳиссаломнинг ҳадисларига биноан суннат.

Шу ерда мисолимизга якун ясаймиз ва инсоф билан тафаккур қилишга киришамиз.

*(Давоми бор)*

**«Кифоя» китобининг 1-жузидан**